
“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларининг йўналтирилиши тўғрисида ҳисобот

2023 йил 1 январь ҳолатига “Саховат ва кўмак” жамғармалари ҳисоб рақамларида 2 млрд. 835,6 млн. сўм қолдиқ маблағлари мавжуд бўлиб, ўтган уч ой давомида вилоят бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамларига 8 млрд. 162,3 млн. сўм маблағ йиғилди.

Ўтган уч ой давомида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари асосида қарийб 15 минг 623 нафар оилаларга жами 7 млрд. 627,3 млн. сўм маблағ сарф этилди.

Жумладан, маҳаллаларда ташкил этилган “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га кирган фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Ўтган уч ой давомида “Темир дафтар”га киритилган 1186 нафар фуқароларни моддий қўллаб қувватлашга 775,3 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур дафтарга кирган 938 нафардан кўпроқ хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 697,2 млн. сўм, “Ёшлар дафтари”га киритилган 54 нафар ёшлар учун 38,2 млн. сўм маблағ йўналтирилган.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қариялар каби эҳтиёжманд оилаларнинг 13 455 нафарига 6 млрд. 116,6 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

2023 йил 1 апрель ҳолатига “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамларида вилоят бўйича 3 млрд. 370,6 млн. сўм пул маблағлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-73-сон Қарори 8-илоvasи 20-бандига мувофиқ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви томонидан республика миқёсида “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини йўналтирилиши юзасидан ҳисоботи республика бошқаруви расмий веб-сайти (<https://obfm.uz/uz>)да ҳар чоракда жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот жойлаштириб борилмоқда. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан кам таъминланган оилаларга маблағ ажратиш фақатгина халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарори билан амалга ошириб келинмоқда.

2023-04-19 18:01:15